



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 29 апрель, №90 (3202) Сешанба

Фавкуллода вазиятларга қарши ҳаракат бўйича халқаро «Фарғона-2003» машқларининг қатнашчиларига

Ҳурматли машқ қатнашчилари, Сизларни — табиий офат ва ҳалокатларга қарши ҳаракат Евро-Атлантика маркази ҳамда БМТнинг Инсонпарварлик фаолиятини мувофиқлаштириш идораси вакиллари, Фарғона водийсида тўпланган «Фарғона-2003» машқларининг барча қатнашчиларини чин қалбимдан самимий кутлайман.

Аҳоли ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, тинчлик даврида фавкуллода вазиятлар юзга келганда унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича шу қадар кенг кўламли машқларнинг Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўтказилиши «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» Дастурида иштирок этаётган мамлакатларнинг самарали алоқалари мустақамлини бораётганидан яққол далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳам, мазкур машқларда вакиллари иштирок этаётган бошқа мамлакатлар каби, фавкуллода вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш борасида махсус бўлима-ларнинг тайёргарлигига алоҳида эътибор бермоқда. Кейинги йилларда ва жорий йилда табиий ҳамда техноген офат ва ҳалокатлар соҳи ортиб бораётгани боис аҳолини ҳимоя қилиш муаммоларини биргалликда, куч-гайратларни мувофиқлаштирган ҳолда ҳал этиш зарурлигига барчамиз қайта ва қайта ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Ҳозирги ўтказилаётган машқларни бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти, шу жумладан НАТО ва СЕАП доирасида давлатлар томонидан амалга оширилаётган ва минтақавий ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш чоғида кучларни бирлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг мантқиқий давомидир, десак ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу маънода, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш мақсадидаги қидирув операциялари ҳамда инсонпарварлик миссияларини тайёрлаш ва амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Пухта режа ва ҳамкорлик асосида олиб бориладиган бундай юксак даража ва миқёсдаги машқлар, шак-шубҳасиз, барча иштирокчиларга ўз билим ва кўникмаларини амалда синовдан ўтказиш, янада такомиллаштириш, зарур тажриба ортириш, сайёрамизнинг турли бурчқларидан юзга келаётган ҳалокатларга қарши зудлик билан чора кўриш имконини берувчи бир хил ёндашув ва механизмларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Ҳурматли машқ қатнашчилари, сизларга аҳолини табиий офат ва ҳалокатлардан ҳимоя қилиш ҳамда қутқариш борасида ўз олдингизга қўйган одижаноб мақсадларга эришишда муваффақиятли ва самарали ишлашингизни чин юракдан тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



Бугун республикамиз пойтахти — Тошкент ҳақиқий бунёдкорлик майдонига айланган. Бу ерда шу йил май ойида бўлиб ўтаётган Европа Тиланиш ва тараққиёт банкнинг XII йиллик йилгилишига тайёргарлик ишлари ниҳоятда етмоқда. Хусусан, «Тошкент», «Дўстлик» меҳ-



Тошкент меҳмонларни кутушига тайёр!



килотлари, йирик трансмилий корпорация ва компаниялар раҳбарлари, танқил сисъатчилар, тадбиркор-ишбилармонлар ва жамоат арбобларини муносиб тарзда кутиб олиш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

СУРАТЛАРДА: «DEDEMAN SILK ROAD» (собиқ «Дўстлик») меҳмонхоналарини таъмирлаш ишлари якуналанаяпти. Амир Темур кучасида эса замонавий усулда янги меҳмонхона — 120 ўринли «Рэдисон Сас отель Тошкент» барпо этилди. Уларнинг ҳаммасида Тошкент анжумани иштирокчилари — жаҳоннинг кўпқаблуқли халқаро та-

меҳмонхонасининг янгича кўриниши; бу қизлар — Наргиза Собитова, Зиёда Асқархўжаева ва Василика Маҳмудова янги меҳмонхонада меҳмонларга хизмат кўрсатадилар.

Нўрможон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.



«Фарғона-2003» ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

эканлигини Фарғонадаги ўқув машгулотлари исботлади



Маълумки, Фарғона водийси ер қимирлаши, сел келиши ва сув тошқинлари тез-тез со-

дири бўлиб турадиган минтақалардан ҳисобланади. Бундан беш йил аввал Шохимардон қишлоғида рўй берган кучли сел тошқини ҳали кўпчиликнинг ёдидан кўтарилгани йўқ. Шу сабабли ҳам НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига биноан кучли зилзила содир бўлиши, сув тошқини, сел келиши туфайли рўй берган вазиятда қандай иш тутиш, табиий офатларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўришга бағишланган халқаро ўқув амалий машгулотларини ўтказиш учун Фарғона вилояти, хусусан табиий офатлар тез-тез рўй бериб турадиган Катрон тоғ тизмаларининг эътида жойлашган Водин қишлоғи ва Фарғона шаҳри танланди.

(Давоми 2-бетда).

Самарқандда хусусий секторни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини тараққий эттириш мақсадида 2002 йил октябрь ойида «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармасида ЕТТБ кредит линияси билан ишлаш бўлими очилган эди. Уттан қисқа вақт ичида мазкур бўлим томонидан 32 та ҳужалик юритуви субъектга 74 миллион 600 минг сўм кредит ажратилди. Ана шу маблағнинг 73 фоизидан 26 та хусусий тадбиркорлар баҳраманд бўлди. Молиявий ресурсларнинг қолган қисми эса юридик шахс мақомида фаолият кўрсатаётган фирмалар ва масъулият чекланган жамиятларга берилди.

Ўзбекистон — ЕТТБ:

«Лаззат-мева» имкониятлари

Жомбойдаги «Лаззат-мева» қўшма корхонасига эса ЕТТБ кредит линиясидан 1 миллион 700 минг АҚШ долларини ажратилган эди. Ушбу маблағга Италия технологияси келтирилди ўрнатилди. Натيجида бир кунда 600 тонна помидорни қайта ишлаш қувватига эга корхонада 100 нафар киши ишга жалб этилди.

— Италиялик мутахассислар замонавий технологияни ўрнатиш билан бирга маҳаллий ишчиларга улардан фойдаланиш борасида ҳам сабоқ берилди. — дейди корхона раҳбари Ҳофиз Читаев.

Жорий йилда қўшма корхонани тўла қувват билан ишлатиш мўлжалланмоқда. Шу боис ширкат ва фермер хўжа-

ликлари билан зарур миқдорда хомашё — помидор етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилаяпти. Бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса ички ва ташқи бозорларда сотилади.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Коллежнинг янги биноси

Нурота педагогика касб-хунар коллежи ўз замонавий биносига эга бўлди. Амалий фанларнинг турли йўналишлари бўйича мукамол жиҳозланган ўқув хоналари, компьютер синфи, лингафон хоналари, кутубхона, спорт заллари ёшлар ихтиёрига топширилди.

Коллежда 750 нафар йигит-қиз касб сирларини ўрганишяпти.

А.ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АНДИЖОН. (Ўза мухбири Саид Шукуров).

«Андижон» теннис клуби кортларида халқаро «Фьючер» турнири бошланди. Мусобақаларга Буюк Британия, Германия, Швейцария, Россия, Испания, Чехия, Исроил, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан, жами 18 давлатдан 64 спортчи ташириб буюрган.

Мусобақаларга тажрибали чет эллик мутахассислар ҳакамлик қилмоқда.

КОРТГА ПРОФЕССИОНАЛЛАР ЧИҚАДИ

Турнир супервайзери қилиб англиялик ҳакам Карл Болдин тайинланган. Судьяларга виллоятнинг ёш теннисчилари сафларидан танлаб олинган спортчилар ёрдам бермоқда. Соғиринлар учун кетадиган кураш майдони — кортлар ҳам маз-

кур спорт байрамига тахт қилиб қўйилган. Ўзбекистон шарафини 13 та спортчи ҳимоя этади. Андижон теннис мактаби тарбияланувчилари Дониёр Усмонов ҳамда Хушнуд Мирзаевлар квалификация ўз омадини си-наб кўриш имкониятига эга.

Пойтахтимизда

«СЕН ЁЛГИЗ ЭМАСАН»

Бугунги кунда мамлакатимизда нодавлат ташкилотлар, турли жамғармалар сафи кенгайиб, жамиятдаги айрим муаммоларни ҳал қилишда уларнинг ҳиссаси охиб бораётган. 2002 йил ноябрь ойида «Сен ёлғиз эмасан» болалар ижтимоий жамғармаси ҳам ана шу мақсадда ташкил этилган эди. Жамғарма иш бошлаганидан буюн Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар ҳуқуқлари конвенцияси, Низомига кўра, меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар, ногиронлар уйи тарбияланувчиларига ижтимоий ёрдам кўрсатишни амалга ошириб келмоқда. Жамғарма дастлаб ўз баъзасида ўқув маркази ташкил этган эди. Марказнинг асосий вазифаси меҳрибонлик уйлари ва интернатлар тарбияланувчиларига турли касбларни ўргатишдан иборат. Бунинг учун, албатта, катта маблағ зарур бўлади. Шу мақсадда жамғарма 1 майдан 1 июнгача «Сен — ҳазрати инсонсан» хайрия марафони ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Кеча мазкур жамғармада оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди.

— Бизнинг вазифамиз, — деди жамғарма директори Жавлон Эгамбердиев, — Фақатгина ота-онаси йўқ — етим болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш эмас, балки кейинги пайтларда меҳрибонлик уйларида ота-онаси бор болаларнинг ҳам қўлаётганига жамият эътиборини қаратиш ва уларнинг таяллим-тарбия олиши, касб ўрганиши ҳамда янаша шартномага муаммоларини ечишга кўмаклашишдан иборат.

— Бизнинг муассасида 217 бола тарбияланаёпти, — дейди пойтахтимизнинг Юнусовда турганидаги 21- меҳрибонлик уйи директори Алла Демчук. — Ҳозирги пайтда ўқув кўламли бўйича қийинчилигимиз йўқ, лекин биномимизнинг иситиш тармоғи ва томи жуда ачинари ҳола. Бунинг таъмирлашда биз ҳомий ташкилотларнинг муруват кўрсатишига умиддорим.

Айтиш жоизки, эгу мақсадларини ўзининг бош вазифасига айлантирган «Сен ёлғиз эмасан» жамғармаси ҳали кўпчилик назарига тушганича йўқ. Жамғарма ташаббускорлигида уюштирилаётган хайрия марафонининг эътиборини томонидан, дастуридан давомда меҳрга муҳтож болалар уртасида турли танловлар, спорт мусобақалари ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Келгусида иш доирасини мамлакатимиз миёсидан кенгайтиришга беш боғланган жамғарма мамлакатимиздаги турли компания ва корхоналарни хайрия марафонига иштирок этишга, муруват қилини қўшишга чорлайди.

Ҳомийлик қилувчилар учун жамғарманинг ҳисоб рақамини эслаб ўтатиш:

Ўзбекистон Республикаси ТИФ МБ АБ Банки
МФО 00451, СТИР 204266634, х/р 2021200504221703001

Худойберди ЭШМАНОВ,
Гулямира МИРЗАЕВА.

Жойлардан хабарлар

Замонавий маҳалла гузари

Косон шаҳридаги Охунбоев ва Работ маҳаллалари ёна-ён жойлашган. «Пахта-тасноотсотиш» республика уюшмаси, Қашқадарь вилоят ички ишлар бошқармаси ҳомийлигида ушбу маҳаллалар учун замонавий усулда, кўркам ва бежирим кўпқаватли иморат қурилиб, фойдаланишга топширилди. Маҳалла гузарига миллион таянч пункти, спорт зали, сартарошхона, бичиш-тикиш цехи, «Ғаллабанк» шохбачаси бор.

Н. РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жўлабонининг жилолари

Ўзбекистон Бадний академиясининг марказий кўрғазмалар залида Бадний академия Қорақалпоғистон бўлими раиси, академик, Ўзбекистон халқ rassomi, Бердақ

номидаги давлат мукофоти соҳиби, танқил муассир Жўлабоний Ибратов асарларидан иборат кўрғазма очилди. Кўрғазмага муаллим ижодининг дастлабки давридан бошлаб то шу кунгача бўлган асарлари қўйилган.

Янгйобой ҚҮҶҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Зукко талабалар аниқланди

Самарқандда кооператив институтида «Иқтисодий ташкил этиш ва бошқариш» ҳамда «Молия ва кредит» фанлари бўйича республика олимпиадасининг якуний босқичи бўлди. Бунда Самарқанд кооператив институти талабалари И. Усмонова, Р. Азимова, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институтини талабаси М. Раҳмонов, Тошкент давлат Иқтисодий университетини талабаси В. Имомов, Тошкент Молия институтини талабаси Р. Турдиевлар галиб ва совриндор бўлишди.

Т. ШАРИПОВ.

Лоқайдлик

«Халқ сўзи»нинг шу йилги 14 февраль сонидан чоп этилган «Лоқайдлик» мақоласи «Самарқандиншооттаъмир» акциядорлик жамияти раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди. Катта-

«Халқ сўзи» назоратида Етарли маблағ ажратилди

қўрғон шаҳри, «Вокзал» кўчасидаги 37-уйини тоза ичимлик сув билан таъминлаш учун қурилган насос станциясини таъмирлаш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акция-

Рустам Қосимжонов — иккинчи

Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида Британия ҳамдўстлиги мамлакатларининг халқаро шахмат мусобақалари ниҳоятда етди. Маҳараштра шахмат ассоциацияси ҳамда Умуҳиндистон шахмат ассоциацияси кўмағида, Венус шахмат академияси томонидан ташкил этилган ушбу баҳсларда жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташириб буюрган 138 нафар шахмат устаси иштирок этди.

Эрақлар ўртасидаги беллашуларда вьетнамлик шахмат устаси Нгуен Анх Дунг 8,5 очко билан мазкур халқаро мусобақа ғолиблигини қўлга киритди.

64 катак ичидаги «жанг»ларда Ўзбекистондан иқтидорли гротмейстер Рустам Қосимжонов ҳамда Ш.Са-

фин, М.Жумаев каби шахмат устаслари ҳам муваффақиятли қатнашдилар. Сунгги босқичда Рустам Қосимжонов ҳиндистонлик танқил шахмат устаси Пендвал Харикришна билан дуранг ўйнади. Бу натижа эса ҳамоюрнингизга 7,5 очко билан фавқий иқтидорини эътиборга олишга мумкин.

Шухрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА, Доҳли.

Алло, Сизни Олий хўжалик суди раиси эиштади!

Ҳурматли газетхонлар!

- Сизни хўжалик судларига мурожаат этишнинг процессуал тартиби қизиқтирадими?
- Кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг суд-ҳуқуқий ҳимояси қандай амалга оширилиши биласизми?
- Хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўз ҳақ-ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сураб, хўжалик судларига мурожаат қилишда қандай имтиёзларга эгадир?
- Иқтисодий соҳада қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун бузилишларини олдини олиш мақсадида хўжалик судлари томонидан қандай ишлар амалга оширилиши, хўжалик юртувчи субъектларини иқтисодий ичорлиги ва шартнома мажбуриятларининг важарлигини бўйича хўжалик судлари олдига турган вазифалар нималардан иборатлиги ҳақида маълумотга эгадирми?

Худлас, шу ва шу каби саволларга аниқ жавоб олоқчи бўласизми? Шу йил 30 апрель кунини соат 10.00 дан 12.00 гача Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси Мирзоултуғбек АБДУСАЛОМОВ билан бўладиган бевосита мулоқотга таклиф этамиз. Сиз ўша кунини Олий хўжалик суди раиси билан 173-43-23, 77-14-16 телефонлари орқали тўғридан-тўғри гаплашиш имконига эга бўласиз. Агар саволларини олдиндан бермоқчи бўласизми 136-07-94, 133-57-98 телефонлари ёки (8-371) 173-91-56, 136-37-85 факслари орқали мурожаат этишингиз мумкин.

Интернетдаги манзилимиз: E-mail: xalksuzi@uzpak.uz.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўқув машғулотида бутун дунёда катта қизиқиш бўлган таъкидлаш лозим. Бевосита ўқув машғулотида 7 та давлатдан 120 дан зиёд кўтарувчи иштирок этмоқда.

Ўқув-амалий машғулоти раъиси тантанали очилишда бағишланган маросим шартли равишда табиий офат юз берадиган жой ақнида «Ёшларбой» қишлоғининг «Водил» стадионада бўлиб ўтди. Йиғилиши республика Бош вазирининг ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Рустам Юнусов очди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Абдусалом Азизов республика Президентининг Ислам Каримовнинг ўқув машғулотида қатнашганига йўлдан таърифнинг ўқиб эшиттирди. НАТОнинг Фавқулодда ҳолатларга баҳо бериш маркази вакили Стивен Орт ҳамда Фаргона вилоят ҳокими Алишер Отабоев қатнашчиларни муборакбод эттишти.

...Эрта тонг. Ҳали табиат ҳам, одамзот ҳам ширин уйкуда. Кутилмаганда шартли равишда кучли ер қимирлаши содир бўлади. Рихтер шкаласи бўйича 7 балл силкиншидаги табиий офатдан бутун воҳа қарақт бўлиб қолади. Шундай

дан ёрдам сўралади. Шундай кезде шартли равишда яна аввалги кучланишда ер қимирлаши содир бўлади. Бу эса сунъий сув ҳавзасининг тошишига олиб келади. Оқибатда водийнинг бир қисми сув остида қолиб, янги талафотлар келиб чиқади. Бу табиий офат бевосита қўшни давлат билан чегара мавзелирида содир бўлганлиги учун ҳам ҳукумат бошқа давлатлардан ёрдам сўрайди.

Водил қишлоғининг бевосита Шохмардонсой қирғоғидаги маҳаллада бундан икки йил аввал кучли тошқин бўлган эди. Ана шу тошқиндан талафот кўрган уйлардан бирида белгиланган дастурга биноан ўқув машғулоти ўтказилди. Бу ерда ўзбекистонлик кўтарувчиларга ҳам кўмакка келишган. Вайрон ҳолат келган биноларнинг ҳолатига, унинг таққи ва ички қисмида кўтарувчилар олиб бериш мумкин ёки мумкин эмаслигини америкалик мутахассислар баҳо беришда, бевосита эстониялик кўтарувчилар ҳаётли бўлиди. Улар табиий офатдан жиддий зарар кўрган, шикастланган аҳолини тезда кўтариб, саралаш пунктларига, шифохоналарга жўнатишни ташкил этишди. Арманистон ва Грузия-

тон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирилик вакили Сергей Азарян. — Лекин шундай катта миқдосда, кенг қамровли халқаро ўқув машғулида илк мартаба қатнашган. Ўқув машғулотида жуда яхши тайёргарлик кўрилибди. Айтишга, «Азо» бирлашмаси қошдаги санитария гуруҳи вакиллари биринчи ёрдам кўрсатишлари жуда малакали бўлди. Навбатдаги халқаро ўқув машғулоти Арманистонда ўтказилиши кўзда тутилган. Уйлайманки, Фарғонадаги машғулотлар биз учун катта мактаб бўлади.

— Бизда баланд тоғлар, тезоқар тоғ дарёлари йўқ, — дейди Эстониядан ташриф буюрган кўтарувчилар гуруҳи раҳбари Прит Лаос. — Лекин шунга қарамай кўтарувчиларимиз тезоқар дарё бўйида, кучли ер қимирлаши шароитида ҳам эсанкара қолганимизди. 8 та кўтарувчи қисқа муддат ичида 20 дан зиёд вайронлар остида қолган кишиларни «озод» қилишди.

Кучли ер қимирлаши нафақат аҳоли турар-жойларга, турли иншоотларга, балки саноят корхоналарига ҳам катта талафот етказган эди. Қирғизистонлик ва қозғистонлик кўтарувчилар бевосита ўзбекистонлик ҳамкасблари билан бирга шаҳардаги ер қимирлашдан вайрон ҳолат келган саноят корхоналарини биринчи ўзи вакифларини баҳарди. Қисқа вақт ичида биринчи ва иккинчи қаватлардаги хоналарда тутқунликка қолиб кетган 22 киши озод этилди.

— Ўқув машғулотларини мутахассисларимиз катта қизиқиш билан кузатиб туришибди, — дейди Швециядан ташриф буюрган мутахассис Буре Борклинд жаноблари. — Бу ерда ҳар бир тизим ўзига топширилган ишни сиқидилган, виждондан урғун бўлибди. Мен бугунги машғулотлардан табиий офатлар рўй берганда мутахассислар ягона тилда-қўтариш тилида сўзлашадилар ва яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

Ўқув машғулоти иштирокчилари энди сув тошқини ва сел келиши оқибатларини бартараф этиш мақсадларига қатнашадилар.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири,
Ш. ОЛИМОВ (ЎЗА)
олган суратлар.



Ёшлар спорт мажмуи



Наманган шаҳрида 17 гектар майдонда ёшлар спорт мажмуи қуришмоқда. 10-қурилиш-монтаж трести бунёдкорлари барто этаетган ушбу масканда 1000 ўринли амфитеатр, сунъий сув ҳавзаси, ёпиқ зал бўлади. Уларда эса ёшлар спортнинг барча турлари билан шугулланиши учун шарт-шароитлар яратилади.

СУРАТЛАРДА: қурувчилар Ҳасанбой ва Орифжон Ортиқовлар; спорт мажмуига шу дарвозадан кирилади.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Хусусийлаштириш жараёни кенгаймоқда

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг кенгайтирилган ҳайъати мажлисида 2003 йил биринчи чорагидаги иш якунлари муҳокама қилинди. Мажлисни қўмита раиси М.Асқаров бошқарди.

Таъкидландики, 2003 йил биринчи чорагида Давлат мулк қўмитаси ва республика бозор инфратузилмаси ташкилотларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодий-деҳқонлик хусусий секторининг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Юртбошимизнинг Вазирилар Маққамасининг 2002 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузаси ва ҳукумат қарорлари билан келиб чиқадиган устувор вазифаларни бажариш қаратилди. Давлат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик ва ўрта

бизнес, хусусий тadbиркорликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар эса давом эттирилди. Хусусан, шу йил 17 апрель ҳолатига кўра, 1945 та акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши ўтказилди, уларнинг 632 тасида Кузатув кенгашлири таркиби қайта шаклланди, 769 тасида ижрочи органлар таркиби қўриб чиқилди, шу жумладан, 55 нафар раҳбар эгаллаб турган давлатдан озод қилинди. 290 та акционерлик жамиятида Низом жамғармасини қўлайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди, 247 таси масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. 438 та корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилиди ва

хусусийлаштирилди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан барча манбалар орқали тушган маблағ 11 148,6 миллион сўмни ташкил қилди. Ҳисобот даврида хорижий инвесторларга умумий қиймати 1,7 миллион АҚШ доллари тенг 5 та объект ва 2 корхона акциялари сотилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида, шунингдек, 15,3 мингта кичик ва ўрта бизнес корхонаси ташкил этилди, фермер хўжалиқлари сони 10,3 фоиз ошиб, 80 мингтага етди.

Шу билан бирга, мажлисда Давлат мулк қўмитасининг тармоқ ва ҳудудий бошқармаларининг корхоналар ва объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, акциядорнинг давлат улушини сотиш бўйича ишлари етарли эмас, деб баҳоланди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Элимизда Эпиккаля туманини билмаган, эштанаман одам топилмас керак. Аввало, шу тарафданки, Эпиккаля — кўна замин, миллий тарихимиз бешкиридан бири. Эпиккаля тумани Қорақалпоғистон Республикаси туманлари орасида юксак иқтисодий кўрсаткичлари билан ҳам ажралиб туради. Бу ерда тadbиркорлик, меҳнат ва ҳаётга янгилик муносабат барқ уриб ривож топмоқда.

Кўхна Замин Наволари

Кейинги йилларда худди шу туман раҳбарини тақдирини таънабуб билан Эпиккаляда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон адабиёти, шоирлари ҳамда маҳаллий ижодкор ёшлар иштирокида адабиёт байрамлари ҳам ўтказилмоқда. Эпиккаляда адабиёт байрамлари алоҳида ҳосиятларга эга. Аввало, ўзбек ва қорақалпоқ шоирларининг жойлардаги ижодий учрашувлари, маънавий мулоқотлар эминининг оғи, дунёқараши ва қалбига бебаҳо неъматлар ҳадя этмоқда. Қолаверса, адаблар, шоирларнинг ўзлари халқ билан бевосита учрашувлари, юртимизда содир этилаётган улдуз ўғиллардан катта ижодий озуқа ва илҳом томоқларидир. Жумладан, кўхна шоирлар ижодида Эпиккаля тарихи ва ҳозирги кўна ҳақида бир қатор шеър асарлар пайдо бўлди. Яқинда пойтахтимиздаги «Истиқлол» нашриёти томонидан чоп этилган «Эпиккаля наво» шеърлар тўплами ҳам ана шу кўхна замин наволарини ўз ичига олади.

Тўпламга Эпиккалядаги адабий тadbирларда иштирок этган ўзбек ва қорақалпоқ шоирларининг ижодий қўламлиқларининг ижодий намуналарини киритилган. Ундаги асарлар Ватанимизнинг бугунги шоирлари қандай ўйлар, фикрлар, ҳис-туйғулар билан яшаётганини ўзидан ақвоқ ақс эттирган. Тўплам, аввало, шу жиҳатдан қимматлидир. «Эпиккаля наво» саҳифаларида китобхонлар Ўзбекистон Қадрамони, машҳур шоиримиз Абдулла Оринов, ўзбек ва қорақалпоқ адабиётининг атоқли намуналари Ибройим Юсуфов, Жуманаз Жабборов, Тўла Қўболов, Омон Матқоров, Эркин Сулейманов, Усмон Азим, Азим Сулейманов бошқарилган шеърларнинг ўқини мўъжаз бўлади.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмисидан ана шу китобнинг тақдирини маросимини бўлади. Уни уюшма раиси Абдулла Оринов бошқарди. Тақдирот маросимида, шу тўпламда баҳона, академик Матқуб Қўноқов, шоирлар ва адабларимиздан Жуманаз Жабборов, Зуррид Дўстмухаммад, Гавхар Ибодуллоева, «Халқ сўзи» газетаси бош мухбири ўринбосари Ш. Жаббаров Эпиккаляда адабиёт байрамларининг маънавий ҳаёт ривожига тўтаган ўрни, истиқлол йилларида бу туман ҳаётида йўл берган ёрқин ўғилларнинг тақдирини сўзладилар ҳамда ҳозирги адабиёт ва маъбуд олдда турган вазифалар тўғрисида фикр алмашдилар.

Тақдирот маросимида Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг Вазирилари Маққамасидан доимий вакили Қутаймурот Панаев ва Эпиккаляда тумани ҳокими Нозиматullo Улейбаевлар ҳам қатнашиб, адабиётнинг халқ билан алоқасини янада мустақкамлашга доир ўз фикр-иштакларини айтдилар.

М. САФАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Эзгуликни қўллаётганлар

Навоий вилоятидаги халқаро Шароф Рашидов жамғармасининг минтақавий бўлими инсонларга маънавий ёрдам бериш, иқтидорларни юзага чиқариш, маънавий ва маърифатни ривожлантириш каби эзгу ишларга бош қўйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Вилоятда баъзи жамғармалар бир неча йиллар давомида орзу қилган ютуқларга ушбу жамғарма гоёт қисқа муддатда эришди. Очиги, жамғарма раисига кўп нарсаси бўлиб экан. Қаредки, тажрибали, тadbиркор инсонлар бош бўлса, мақсад сари интилиш тезлашиши, муаммоларга ўрин қолмаслиги аниқ.

Насриддин ота Латиповни вилоятда танимайдиган киши қамдан-қам топилади. Умрини халқ таълими ривожига сарфлаган бу маърифатли инсон билан

бир марта мулоқотда бўлсангиз, яна сўхбатлашсам дейсиз.

Бундан роппа-роса икки йил олдин Насриддин ота Шароф Рашидов халқаро жамғармасининг вилоят бўлими ташкирлади. Мақсад ва вазифалар аниқ. Ҳамма гап уларни амалга оширишда эди. Шунда отахоннинг тажрибаси, тadbиркорлиги қўл келди.

Бир нечта кичик корхоналар, ёрдамчи хўжалиқлар ташкил этилди. Ҳокимнинг қарори билан деҳқончилик учун ер олдини, паррандачилик фермасига асос солинди. Хуллас, катта ишларга қўл урилдики, улар секин-аста ўз самарасини бера бошладилар. Дастлабки йили 1 миллион 640 минг сўм, ўтган йили 2 миллион 650 минг сўм даромад

олинди. Жорий йилдаги фойда 4 миллион сўмдан ошиши кўзда тутилмоқда. Ҳозир 15 киши иш билан таъминланган.

Жамғарманнинг илм-маърифат ривожига ҳисса қўйиш, иқтидорларни таллаб, рағбатлантиришга оид фаолиятига

ота туманидаги Ҳожиқул Худойқулов номи, Карман туманидаги Файзулла Хўжаев номи мактабларининг ўқувчиларига ойига 5 минг сўмдан стипендия таъинланди. Ш.Рашидов таваллудининг 85 йиллигига бағишлаб тadbирлар ўтказилди. Алишер Навоийнинг 562 йиллиги муносабати билан қанчадан-қанча навоийхонлик мушоираларига бош бўлди. Бугина эмас, вилоят ёш-

лари онгига Ватан меҳрини, ажолларимиз меросига эҳтиром туйғусини сингдириш, миллий қадриятларимизни тарғиб этиш, сиёсий оғи ва демократик таъмоийларни шакллантириш борасидаги сай-ҳаракатларда жамғарманнинг ўзига хос ўрни бор.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга кўмак бериш ҳам доимий назоратда. Уларга турли байрамлар, тантаналарда соғва-саломлар берилиб турилибди. Бир қатор нодавлат, нотижорат ташкилотлар билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Етмишини орда қолдирган Насриддин ота Латиповнинг «ташвиши» айнаи кунларда янада ортган. Баҳор фасли муносабати билан белгилан қўйган тadbирлари бир олам.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ПОЕЗДНИ ТЎХТАТГАН БОЛА

Йўловчи поезд темир йўл устида ҳаракатланиб турганда вагонлар бўлса шу шаҳарнинг уйлари. Бу ерда йўловчи ўзини ўз уйидадек эркин, хотиржам ҳис этмакни ихтиёр қилади. Шарт-шароит, одамларнинг ва айниқса назоратчи (проводник)ларнинг муомаласи, поезднинг имиджи деб илдам юриши, ёнидаги шерининг тамаки тутатиб қолиши каби ҳолатлар унинг темирларидаги қонга қўшилиб оқиб бошлайди.

Яқинда биз Термиз — Сариев йўналиши бўйича қатнайдиган поездга тушдик. «Пашкар» деб атайдиган вагон — бежирин. Турги, йўлқаларга, гилда тўшмаган. Деразлар пардаларини йўқ, қилиб таъмирланган, силқиб қилиб бўлган, супуриб қилинган кўрнини турибди.

Бирок, «Хайробод» бекатида яқинлашганимизда қарсизлаган шовқиндан ва чил-чил синган ишчи синикларининг шовувилад ерга тўкилиб тушишдан қапақимиза учиб кетди-ку. Яна «қар» эди. Лекин бу галги отилган тош деразга эмас, вагоннинг деворига тегиб қайтди.

— Ким у тош отган? Вагонга нега тош отади? — деб йўловчилардан бирининг дейиб тилидан айтадиган жавоб билан шунга ҳозир бўлган назоратчи:

— Қўрмайсизми? Болаларку, ўйинқароқлик қилишяпти, — деди.

— Ўйинқароқлик эмас, беэзорлик, зараркуналлик-ку бу, — деди яна ўша йўловчи. — Ушбу оқиб уларнинг таъзирини бериш керак.

Назоратчи «фойдаси йўқ» дегандай қўл силтаб қўя қолди ва алдақандай бир қўшиқни хирғойи қилиб, ойна синикларини супуриб олди.

Бир гал яна ўша поезднинг 2-вагонига чиқдик. — Вагоннинг тўртта дера-

заси дарз кетган. Буям болаларнинг ўйинқароқлигидан. Иложи бўлса эканки, ўша вагонга тош отган болани ушлаб олсанг.

— Ушбу олганим билан ҳам... нима чора кўришни билмайсан, — дейди назоратчи Музаффар Омонов.

Омонов бор гапни айтди: тошотарлар ушлаб олиняпти ҳам. Термиз темир йўл бекати тармоқ ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлимига бошлиғи Тўрақул Тўраевнинг айтишича, масалан, шу йилнинг 8 январь кунини Денов туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг ўқувчиси Тошмурод Эшмурод Шўрчи — Хайробод бекатлар оралиғида кетаятган поезд вагонини деразасини аниқ нишонга олди. Орадан кўп ўтмай «Галаба» ширкат хўжалиги худудига яшовчи Бўтаев Ойбек шундай «ўйинқароқлик»ни такрорлади.

— Тош отишининг маъноси нима?, деб сўрасак, овози дўриллаб қолган усмир бола ерга қараб тураверди, — дейди бўлимининг воғна етмаганлар билан ишловчи назоратчи Абдурауф Иброҳимов. — Ота-онанга айтсак, боламиз бир шўхлик қилти-да. Бошқа қайтармайди деб қулади. Уқитувчи, «Биз болага ёмонликни ўргатаймиз» деб масъулиятини ўзидан соқит қилди. Биз эса маълумотни туманларининг ҳокимларига хузуридаги воғна етмаганлар комиссиялари эътиборига ҳавола этиш билан қийофаланиб қоларемиз. Турги, ота-оналар билан, мактаб жамоалари ва болаларнинг ўзлари билан сўхбатлар ўтказишдан камий қолмаяпти. Лекин...

Лекин ҳуқуқбузарлик, қонунбузарликка қарши кураш ифодаланган рессолларда «ўйинқароқлик» ва «шўхлик» учун аф деган бандлар йўқдир. Билсангиз, тинчгина



Мулоҳаза

кетаётган вагон деразасининг тош зарбидан синиб тушган бўлакларига қараб қўйилганларимиз ҳам бир қарра синиб қолгандай бўлди. Ота-она э уқитувчи бирор «Хой, ўзингиз қараб ора» деб таъинласа, қадамини назарига олса, усмир бола номатқўшчилик қилмасди. Номатқўшчилик оқибатининг бадали ота-онада ундириб олinsa, эҳтимол бу бола тарбиясига бўлган хўшёрликни оширади.

Вагонга, поездга, кимларди хотиржамгина дам олиб келаятган уйга тош отадиган болаларимиз бор деб мақола ёзиб биз учун оғир. Бу отирилган ички ишлар бўлимида ва бўлимининг, воғна етмаганлар билан ишловчи идоралари ҳаракати билан энгизлатиш қийинлиги ҳам равшан.

Бир «проводник» деб аташга ўрганиб қолган вагон назоратчиси — ўзиниз тасаввур қилган темир йўл устидаги ўйинқароқлик. Йўловчи халқи зуқко келди. Назоратчи погонли яхусе кийим кийиб, эгинга ялтирок нишонлар тақиб қўйгани билан йўловчи бир қарашда унинг қимлигини билиб олди.

Назоратчининг фазилати, аввало, қонда-қонунларга

риёя қилишда. Қонда-қонунларга ҳурмат, табиийки, поездга чипта сиегатидан бошланади. Бир та «Термиз-Тошкент» поездга кулсизда чиптаси йўловчилар билан шерик бўлиб қолдик. Содолик-вагон, шерикларимизни энди вагон назоратчиси бевозта қилар деган халёга боришимиз. Қайдам. Назоратчи қайтагина қисқача шивир-шивирдан сўнг ўша йўловчиларга алоҳида илтифотлар қўрсатди: уларга иссиқ, аччиқ чойлар берди. Бу манзарани кўрганлар, вагонга чиқмасиз чинқиб афлар экану деган халёларга бордилар.

Кейинги пайтларда темир йўл чипталарини йўловчиларга сотишда бир қадар тартибдор жорий қилинаётганидан кўза юймаймиз. Бунинг натижаси ўлароқ масалан, жойларда чипта сотувчидан пул тушушларига ҳам барака инмоқда.

Бир кеча-кундузда биз ўртача 2220 кишига хизмат қилдик, — дейди «Ўзбектемирйўловчи» Сурхондарё филиали бошлиғи Комил Раҳмонов. — Деподаги 670 минг сўм ўринга кунига ўртача бир миллион сўм пул тушуришга эришяймиз. Қишда вагонларни иштигини жорий этидик. Тозалик-озода-

тартибда мунтазам текширишлар ўтказиб борамиз, — дейди Термиз транспорт прокурори ёрдамчиси Назарулла Маматов. — 2002 йилда, масалан, шундай текширишлар натижаси ўлароқ, 204 та йўловчининг поездга паттасиз чиққанлиги аниқланди ва уларга маъмурий чора қўрилди. Шундай вазиятнинг келиб чиқишига алоқадор темир йўлда йўловчи таълим хизмати ҳодимларидан 46 тасига шундай чора қўрилди. Шу йилнинг март ойида ҳам 5 та ҳодим маъмурий жавогарликка жалб этилган поездларда йўловчиларнинг чиптасиз юришлари давом этаётганини қўрсатди. Тартиббузарлик, айтиш керакки, йўловчилар эмас, назоратчи проводниклардан бошланади. Назоратчи эътиборсизлик қилса ёки ўзининг манфаатини ўйлаб қўл бўлса, аянам равшанроқ қилиб гапирадиган бўлса, чиптага аталган пулни чўнтақларига уришни ўйласа, бундай ноҳус ҳолатнинг такрорланишини тўхтатиб бўлмайди. Биз вилоят худудига йўналишларда қатнайдиган йўловчи таълим поездларининг Баҳодир Ирматов, Шавкат Алимарлонов, Акмал Қодиров сингари назоратчилар тартибин ўзлари бузаётганларини аниқладик. Қайд этиш, жаримга торттиш, оғоҳлантириш корқилмайдиган ҳодимларга нисбатан, бизнингча, янада таъсирчан чораларни қўллаш лозим бўлар деб ўйлайман.

Биз, икки киши Жарқўрган бекатидан Сариев — Термиз поездига чиқдик. Назоратчи, бировинида чипта йўқлигини айтдик. Узини Хайрулла Очилловман, деб та-

ништирган назоратчи, чиптаси йўқ шериндан 100 сўм (Жарқўрган бекатидан Термизга патта нархи 150 сўм) пул олди ва бироз вақт ўттич, унга, «нархи 90 сўм» деб ёзилган чиптани олиб келиб берди.

— Инсоф бор экан-ку, — дедим мен қулдошиминг жарқўргонлик врач Шухрат Аҳмедовга.

— Ҳозир йўловчи кам. Вагон йўловчи билан тирбанд, тигиз бўлганда қўрасиз томошани, — деди у қулиб.

Ва бошқа гап. Термиз бекатига вагондан тушган йўловчилардан айримлари билан гаплашамиз. Улар мана, нима дейишди.


Ольга Кривоносова. Деновдан. Уқитувчи: — Одам тигиз бўлди. Сабаби-пиёзонини Термизга келтириб сотиш учун халта-халта қилиб вагонга ортган йўловчи кўп. Бунақа юклар учун поездга алоҳида вагон тақийш керакми.

Иброҳим Тошмуродов. Қумқўрғондан. Хизматчи: — Вагон тигиз бўлди. Чой ичолмадим. Яна, поездда пирожка сотаман, сумбул сотаман, жамбул сотаман. Фол очаман деганлар бор. Булар ҳаммаси — чарнагли кишини. Поездга томоша ортқочлик қилади.

Тошмуродов топиб гапирди. Одамлар гирромликлардан, галла-говурдан, шовқинсуридан иборат ортқиқа томошаларини эмас, йўловчи таълим поездларини хизматчилардан алоҳидалик, самимиятин, намунали хизматни кутадилар. Иззат-иқромни истайдилар.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент Фармацевтика институтининг — республикамизнинг таянч олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Бу ерда юксак малакали доришунос мутахассислар тайёрланади. Институтнинг ўн минглаб кадрлари нафақат республикамизнинг, балки бир қатор қўшни давлатларнинг ҳам доридармонлар ишлаб чиқариш тизимида, корхоналар, дорихоналар фаолиятини ташкил этиш соҳаларида самарали фаолият олиб бормоқдалар. Чунки бу олий таълим муассасаси Марказий Осиёда ягона.



залари соҳаларида бозор талаблари ва эҳтиёжларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Дори воситаларини стандартлаштириш илмий марказининг вужудга келганлиги институт ҳаётида яна бир муҳим воқеадир. Ушбу Марказда юксак малакали ва салоҳиятли ёш мутахассисларнинг катта гуруҳи дори воситаларининг сифати ва уларни стандартлаштириш, технология, фармакология ва бошқа йўналишларда жўшқин илмий тадқиқотчилик фаолияти билан шуғулланмоқда. Илмий марказ энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ҳамда турли қўшма ва хусусий ишлаб чиқариш корхоналари билан амалий ҳамкорлик ўрнатган.

Институтда клиник фармация, соҳа ишлаб чиқариши менежменти, ихтисослашган корхоналар иқтисодиёти, қтир-упа, пардоз-андоз воситалари технологияси, қорвдорлик дорилунослиги йўналишларида янги мутахассис кадрлар тайёрлашда академик Ё.Турақулов, республикада хизмат кўрсатган фан арбоблари М.Азизов, О.Муртазоев, Р.Л.Хазанов, К.Г.Июффе, З.М.Уманский, Х.Ҳошимов, З.Манулкин, Э.Тошмухаммедов, М.Мақсумов, А.Ибодов, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи А.Раҳимов ва бошқаларнинг хизматлари бекиёсдир. Ҳозирги кунда институтда фармация ва унинг хомашё ба-

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Муддатли хизмат қисқартирилмоқчи

Россия Мудофаа вазирлиги муддатли ҳарбий хизматни икки йилдан бир йилгача қисқартиришга тайёр эканлигини билдирди. Мамлакат мудофаа вазири Сергей Иванов ана шу ҳақда маълум қилди. Россия ҳукуматининг йиғилишида мамлакат Қуролли кучларини контракт тизимига ўтказиш бўйича федерал дастур маъқулланди, деб хабар беради "Газета.ру".

Кимёвий моддалар топилди

Ироқнинг шимолида кимёвий моддаларга тўлдирилган бочкалар топилди. Американинг "ABC" телекомпаниясининг сайти тарқатган маълумотларга кўра, идишларда захарловчи моддалар бўлиши мумкин. АҚШ махсус хизмати вакиллари тахминан, ушбу моддалардан кимёвий қурол ишлаб чиқаришда фойдаланилган.

Қатъий талаб

Америка ҳарбийлари қуролларнинг қуролланган гуруҳларидан Ироқнинг Мосул шаҳрини назорат қилишни тўхтатишни қатъиян талаб қилди. Агар унга бўйсунилмаса ҳарбийларнинг қуролларини қароргоҳлари ёки махсус оморларда сақлашга руҳсат берган, лекин қўлида қурол билан кўчада юришни тақиқлаган.

Ироқдаги экологик вазият муҳокамаси

Парижда "саккизлик"ка кирувчи давлатлар экология вазирлари Ироқдаги ва-

зиятни муҳокама қилишди, деб хабар беради "РИА"Новости" агентлиги.

Яқини матбуот анжуманида қайд этилишича, Ироқдаги экологик вазият дастлаб кун тартибига киритилмаган эди, аммо вазирлар БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП)ни ўрганиб чиқилган, уни муҳокама қилишни лозим топдилар.

Дастурда айтилишича, уруш оқибатида Ироқда "фавқуллоҳда жиддий" ҳолат юзага келди. Шунинг учун халқаро ҳамжамият Ироққа бу соҳада зудлик билан кўмак бериши лозим.

Террорчилар хорижда

тайёргарликдан ўтган

Москвада Дубровкадаги театр марказида амалга оширилган террорчилик бўйича қидирув ишлари бир жиноий гуруҳ эмас, балки яхши мувофиқлаштирилган халқаро террорчилар гуруҳи вакиллари амалга оширилганини кўрсатмоқда. Россия ФХХ раҳбари Николай Патрушев ана шу ҳақда маълум қилди.

Унинг айтишича, «Норд-Ост»ни эгалаган террорчилар хориждаги террорчилик гуруҳлари раҳбарлари билан алоқада бўлиб турганини далиллар билан исботланган. Ундан ташқари, террорчиликни амалга оширган жангарилар хорижда тайёргарлик кўрган.

Президент сайланмади

Аргентинада президент сайловларининг биринчи тури бўлиб ўтди. Унда биронта номзод етарли овоз ололмади. Иккинчи турга сайловчиларнинг 31 фоиз овозига ога бўлган Карлос Менем ва 24 фоиз овоз олган Нестор Киршнер чиқди.

Иккинчи тур сайловлар май ойида бўлиб ўтади, деб хабар беради "Рейтер" мухбири.

Театр ва кутубхоналар ёпилмоқда

Пекин маъмурияти ғайриоддий зотил-жам туфайли шаҳардаги барча кинотеатр, театр ва интернет-кафеларни вақтинча ёпишга қарор қилди. Май ойининг охиригача кутубхоналар ёпилиши ҳам қўшилмоқда, деб хабар беради "Xinhua" агентлиги.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Мақруз таълим даргоҳи 1937 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг махсус кафедраси манбаида ташкил топган эди. Ҳозирги кунда институтда 1100 нафар талаба ўқимоқда. Бу ерда 174 нафар профессор-ўқитувчи қизгин илмий-педагогик фаолият билан шуғулланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Тошкент Фармацевтика институтининг ҳаётида ҳам улкан воқеалар рўй берди. Кадрлар тайёрлаш мўл-маълум дастурида белгиланган улғувор вазифалар асосида институтнинг илмий-тадқиқот ва таълим-тарбия соҳаларидаги фаолиятида туб ислохотлар амалга оширилди. Институтда

ўқув-услубий, илмий ишларни ташкил этиш, ўқув дастурларини янгилаш ва такомиллаштириш, таълимнинг моддий-техникавий негизини халқаро андозлар асосида ўзгартириш жабҳаларида катта ютуқларга эришилди. Мустақиллик йилларида биотехнология, агро-экология, фармацевтика санати, ихтисослашган фармацевтика таълими мутахассислиги бўйича ҳам замонавий етук малакали кадрлар тайёрлашга киришилди.

Мана, 10 йилки, институт қошида "Кимё ва фармацевтика" журнади мунтазам нашр этилмоқда. Унда фармацевтика соҳасида республикада ва халқаро миқёсда олиб борил-

ётган илмий ва амалий фаолият янгиликлари изчил ёритиб келинмоқда.

Сўнгги йилларда институтда меҳнат қилаётган илмий му-

тахассислар ва педагогик кадрлар таркиби кўпгина салоҳиятли ёшлар ҳисобига бойиди. Бу ерда олий фармацевтик таълимнинг янги концепцияси ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда институт ходимлари томонидан ўзбек тилида 5 та ихтисослашган дарслик ва 10 та ўқув қўлланма яра-

тилди. Профессор Х. Холматов ва У.Аҳмедовларнинг "Фармакогнозия" китоби соҳада йилнинг энг яхши дарслиги деб эътироф этилди.

Институтда фармацевтика йўналишида илмий тадқиқотчиликни ривожлантиришда ва кадрлар тайёрлашда академик Ё.Турақулов, республикада хизмат кўрсатган фан арбоблари М.Азизов, О.Муртазоев, Р.Л.Хазанов, К.Г.Июффе, З.М.Уманский, Х.Ҳошимов, З.Манулкин, Э.Тошмухаммедов, М.Мақсумов, А.Ибодов, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи А.Раҳимов ва бошқаларнинг хизматлари бекиёсдир. Ҳозирги кунда институтда фармация ва унинг хомашё ба-

Таълим даргоҳларида

М.САФАРОВ.

СУРАТДА: институт аспиранти Ҳасан Бечқонов ва иккинчи курс талабаси Зулфия Отажонова набатдаги лаборатория машғулоти

Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Маҳаллам — фахрим

Кўни кеча Мирзо Улугбек номидаги боғда Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси, Тошкент шаҳар маҳалла жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими ташаббуси билан маҳаллалар ўртасида ўтказиб келинётган "Маҳаллам — обрўйим, менинг фахрим" номли кўрик танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Маҳалла ҳудудларини кўкаламзорлаштириш, тозалаш, ободонлаштириш йўллари ва кўчаларнинг озодлигига эътибор бериш, маҳалланинг анъанавий тарбия ўчоғи сифатидаги мавқени ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

таълимни жорий қилиш, оға-боболаримиздан қолган мерос ва қадриятларимизни сақлаш ҳамда келажак авлодга етказиш мақсадида ташкил қилинган ушбу тадбир сермазмун ўтди.

Муҳими, бундай танловларнинг ўтказилиши фуқароларимизнинг ўзи яшаб турган маҳалласига бўлган меҳрини янада оширади. Қолаверса, бундай тадбирлар маҳаллалар орасида дўстлик, аҳиллик ришталарининг боғланишига, бир-бирларидан ибрат жиҳатларни ўрганишига имкон яратди.

Танловнинг якуний босқичида кўри босқичларда голиб топилган

маҳаллалар уч шарт бўйича куч синашилди.

Сирғали туманининг Абдурахмон Жомий номидаги маҳалласи ва Ҳамза туманидаги "Янгиобод" маҳаллалари танловнинг биринчи ўрнига лойиқ топилди. Иккинчи ўрин Шайхонтоҳур туманидаги "Тинчлик" маҳалласига ва ниҳоят учинчи ўрин Акмал Исрофов туманидаги "Уриқзор" маҳалласига насиб этди.

Ғолиблар ташкилотчи ва ҳомийлар томонидан фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шу кун "Ғунча" ансамбли, "Зар" доирачилар дастаси ва "Севинч" рақс дастасининг сахнага чиқishi танловга ҳақиқий байрам руҳини бахш этди.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ.

Юз бериши мумкин бўлган тошқин ва селлар хавфининг олдини олиш мақсадида Аму-Бухоро канали виллоятлараро бошқармаси Тўдакўл қирғоқларини мустаҳкамламоқда.

Тўдакўл қирғоқлари мустаҳкамланмоқда

Мутахассисларнинг ҳисоблашича, қўл қирғоқларини мустаҳкамлаш учун 10 минг кубометр тупроқ ва тош талаб этилади. Шу пайтга қадар сув омбори қирғоқларига 6 минг кубометр тупроқ ташланди. Қўл атрофини мустаҳкамлаш ишларини "Бухороқирғоқ" трести кўча механизациялашган жамланмаси мутахассислари олиб бормоқда.

"Туркистон-пресс".

D-AMPS GSM

UZDUNROBITA first cellular

ШАҲАРЛАРАРО ҚўНҒИРОҚЛАР

МАҲАЛЛИЙ ҚўНҒИРОҚЛАР



1 МАЙДАН "UZDUNROBITA" МУШТАРИЙЛАРИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ БАРЧА ҚўНҒИРОҚЛАР МАҲАЛЛИЙ ҚўНҒИРОҚЛАРДЕК НАРХЛАНАДИ

КЕЧАЮ - КУНДУЗ МАЪЛУМОТЛАР ХИЗМАТИ: 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09 "uzdunrobita" КК ТЕЛЕФОНЛАРУДАН 611

ТОШКЕНТДАГИ СЕРВИС МАРКАЗИ МАНЪУЛИ: УСТОН ЮСУПОВ КЎЧАСИ, 16 - ҲЎ ["АБЗАК"]; WWW.UZDUNROBITA.UZ ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН

Такдимот

Бугунги кунда Президентимиз бошқа соҳалар қатори маънавият ва маърифатга ҳам алоҳида эътибор билан қараётир. Бу соҳани кенг тарғиб этиш шунинг ҳар бир фуқароси зиммасидаги вазифа бўлиши даркор. Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида тақдироти бўлиб ўтган драматург Эркин Хушвақтов қаламига мансуб «Қирмизи олма» спектаклини ҳам айни шу мақсадлар йўлидаги қадам дейишимиз мумкин.

«ҚИРМИЗИ ОЛМА»

Унда инсонни комилликка етакловчи ҳислат-ҳалоллик тарғиб этилади. Бир йилгит эрталаб ювина-ётиб, сувдан оқиб келаётган олмага кўзи тушади ва уни олиб бир тишлайди. Сўнг бирдан тўхтаб қолади — олманнинг эгасини рози қилмасдан егани учун ўзини кечирмайди. Сўнг мева соҳибини топши ва рози қилиш мақсадида ариқ бўйлаб юради ва кўзланган манзилга етиб боради. Бориб муллоасини айтган, уй бекаси «Майли рози бўлман, лекин бир шартим бор», дейди. Шарт шунки менинг бир қизим бор, кўзи кўр, қулоғи қар, оёғи шол шу қизимга уйланасан, дейди. Буни эшитган йилгит тошай қотиб қолади. Аммо еган лўқмани ҳалоллаш керак. У ўйлай-ўйлай рози бўлади. Қиз билан танишган эса кўрадики, боғи гаплар рағзий маънода айтилган экан. Яъни, кўрлик қизнинг нигоҳи но-қозил жойларга тушмаганига, оёғи шоллиги нобоп йўллардан юрмаганлигига ишора экан.

Гарчи ушбу спектаклнинг гоёси томошабинга маълум бўлса-да, унга замонавий тус бериш фикри Хўжа Аббос ўғлидан чиққан.

Ушбу спектаклнинг Президент ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида қўйилишининг алоҳида сабаби йўқ, лекин мазкур академиянинг ректори А. Азизхўжаев тақдирот маросимини сўзга чиқиб, — Айтмоқчи бўлганимизда кишиларни маънавий баркамолликка давлат этиш, тўғри йўлга унлаш фақат шу соҳа одамларининг эмас, балки ҳар биримизнинг кундалик юмушимизга айланишига ишора қилишдир. Спектаклни истеъдодли режиссёр Мунаввара Абдуллаева саҳналаштирган бўлиб, ундаги ролларни таъинқли актёрлар қатори санъат институтининг икки-дори талабалари маромига етказиб икром этишган.

Мақсуд ЖОНИСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Таърифига сўз йўқ уларнинг, Туйгулари дилдан тошганда.

Гулларга айланиб қолар ўзлари, Баҳор билан дейдорлашганда.

Т. МАХКАМОВ фото этюди.

Абдуллоҳиқ Гиждувоний таваллудининг 900 йиллиги олдидан

АВЛОДЛАР ЭҲТИРОМИ

Хар бир юртнинг буй-бастига мос фозилу фузалолари, комил фарзандлари бўлади. Буюк ипак йўлида жойлашган Гиждувон ҳам Яратганининг буюк иноятидан бенаиб эмас. У ўзининг кўп асрлик тарихи мобайнида не-не табарруқ зотларга бешик бўлмаган, дейсиз. Тасаввуф илмининг йирик намояндаси, Хожажон тариқатининг асосчиси Абдуллоҳиқ Гиждувоний ана шундай бенабир алломалар сирасидан.

Мусулмон дунёсида банд йўтбага эга бўлган зоти шарифнинг ҳаёти ўрта асрларга хос талатўплар ичида кечганлиги қадимий манбалардан яхши маълум. Бироқ у ўз эътиқоди ва гоъларидан асло чекинмади. Шу боис бугун инсоният унга чексиз эҳтиром кўрсатиб, иззатини жойига қўймоқда. ЮНЕСКОнинг XXXI сессиясида А.Гиждувоний таваллуд топан кун халқаро муҳим саналар тақдимида киритилганлиги фикримиз исботидир. Улуғлик ва донишмандлик мақоми вақт билан ўлчанмайди. Билмак, халқ руҳиятига сингиб кетган эзгу қадриятлар, солиҳ амалларнинг умри боқийдир. Улар авлоддан-авлодга ўтар экан, кўзгу англик тиниқлашиб бораверади. Аслида ҳам шундай. Гиждувоний таълимоти инсонга муҳаббат, адолатпарварлик, эзгу гоъларга садоқат руҳи билан сугорилганлиги бонис, тўққиз асрлик, ўз маърифий аҳамиятини

йўқотмай келмоқда. — Гиждувонга улўг пирларнинг дуоси теккан, — дейди туман ҳокими Т.Қудратов. — Бу ерда косовни суқсангиз кўкаради, оддий лой мўъжизага айланади. Зеро, шахримиз нафақат тарихий обидалари, балки миллий ҳунармандчилик анъаналари билан ҳам қадимдан машҳур. Гиждувоний ҳазратларига келсақ, ул зотнинг юбилейига тайёргарлик ишлари қизгин суръатда олиб борилаяпти. Бош лойиҳага кўра, шаҳар марказидаги деҳқон бозори бошқа жойга кўчирилди. Унинг ўрнида сўлим боғ, янги хиёбон барпо этиш режалаштирилмоқда. Гиждувонликлар савобдан бенаиб қолмаслик учун белни маҳкам боғлаб турибдилар. Иншоолўх, ҳазратнинг руҳи мадалдор бўлиб, барча эзгу ниятларини ўз ижобатини топгай. Зеро, бош режада белги-ланган тадбирлар кўлами

кенг. Уларнинг катта қисми ҳашар йўли билан амалга оширилди. Шаҳар ҳудудида ўтмиш малайхоти билан боғлиқ муқаллас қадимжолар анчагина. Бугунги кунда улар ҳам таъмирга муҳтож. Шу муносабат билан Хужалантар ва Сўфичўян қабрларини қайта таъмирлаш, Галаба, А.Қаҳҳор, А.Дониш, Мустақиллик, Ибн Сино, Улфат-биби кўчаларига катта ҳажмадаги ободончилик ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон кўчасидаги кўчаларига катта ҳажмадаги замонавий хиёбон барпо этилади. Шаҳарнинг кунчиқар қисмида — собиқ пахта тозалаш заводи ўрнида 18 гектарли замонавий бозор мажмуини қуришга киришилди. Гиждувоний даҳмаси ва мақбарасида таъмирлаш ишларини буюролик ҳамда шаҳарсаваблик малакали усталар амалга оширяптилар. Бу ерда қадимий ва замонавий меъморчилик анъаналари

ўзаро уйғунлашган тарзда намоен бўлади. Бир пайтлар эски бозор атрофи ниҳоятда тирбанд бўлар, йўл буйларида 1,5-2 мингта автомашина тўпланиб қолар, натижада пидебаларнинг ҳаракатлини учун бир талай қийинчилик туғилар эди. Бош режада бу ҳолат алоҳида ҳисобга олинган. Яъни мажмуа қаршидаги йўл тугатилиб, ўрни бўлажак хиёбонга қўшиб юборилди, янги гулзор ва фаворалар барпо этилади, манзарали кўчалар ўтказилди. Кўтлўг тантанага «Гиждувоний мажмуида янги маъраж қуриш, 1430-1433 йилларда Мирзо Улўғбек томонидан бунёд этилган мадрасани қайта таъмирлаш ҳам кўзда тутилмоқда. Туманда Абдуллоҳиқ Гиждувоний хайрия жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. У буюк аллома меросини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш билан шуғулланади. Таъкиллаш жоизки, бу борада амалий ҳаракатлар бошланган. Савобталаб кишилар жамғарма ишнини жонлаштиришда яқиндан ёрдам кўрсатишда. Зеро, ўз тарихини, миллий қадриятларини ардоқланган халқ асло кам бўлмайди.

Носир ТОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДЮГАЙ, Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Г. ПРОХОРЕНКО, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»), М. САФАРОВ, И. УТБОРАЕВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. ХАЙДАРОВ, Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Иجتимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
- Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Газетчилик билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;
- Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;
- Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 334, 30179 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ХАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ. Навбатчи — С. ХАЙДАРОВ. Мусаввир — Ш. МАШРАББОВЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириди — 1 2 3 4 5 6

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

ХАЛҚ БАНКИ

жисмоний шахсларга номинал қиймати 1000 ва 2000 сўмлик, тўлиқ сақланган муддатга йиллик 26% даромад тўлаш шартини билан депозит (жамғарма) сертификатларини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Сертификатнинг амал қилиш муддати харид қилинган кундан бошлаб 1 йилни ташкил этиб, сизни йхтиёрийингизга кўра исталган вақтда тўловга қабул қилинади.

Сертификатлар Халқ банкнинг барча муассасалари орқали сотилмоқда.

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ

2003 йил 2, 8, 16, 23, 30 май, 6, 13, 20, 27 июнь, 5, 12, 19, 26 июль кунлари соат 10.00да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида «Ким ошди» савдоларини ўтказлади.

Савдоларга Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64, Ом ва Г-38, Ом кўчаларида ва «Сирғали-14Б» мавзесида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдирилгандаги, ҳар бирининг сатҳи 0,04га бўлган ер участкаларига эгаллик ҳуқуқи қўйилади.

Битта ер участкасининг бошланғич нархи — 640000 сўм.

Ер участкалари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан 3 кун олдин тўхтатилади.

Савдоларда жисмоний шахслар қатнашилари мумкин. Савдода қатнашиш учун хариддорлар ер участкаларининг бошланғич нархининг 5 фоизи миқдорда гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннахр к., 16-«А» уй, 402-хона. Телефонлар: 132-20-74, 132-25-51.

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

«ГАЛЛАБАНК»

2003 йил 4 апрель кун соат 10.00да Тошкент шаҳри, «Шахрисабз» кўчаси, 36-уйда Банк акциядорларининг 2002 мулявий йил якунларига бағишланган йиллик умумий ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтганлигини маълум қилади.

Йиғилиш кун тартибига киритилган барча масалалар кўпчилик овоз билан тасдиқланди.

Банкнинг имтиёзли акцияларига 2002 йил учун тўланган оралик дивидендларига қўшимча яна ҳар бир акциянинг номинал қийматига нисбатан йиллик 40 фоиз миқдорда ҳамда банкнинг оддий акцияларига ҳар бир акциянинг номинал қийматига нисбатан йиллик 25 фоиз миқдорда дивиденд тўлаб берилиши ҳақида қарор қабул қилинди.

Ташкилот ва корхоналар диктатига! Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

табиий газ ва ичимлик суви тармоқлари иншоотларига очик танлов савдоси (тендер) ўтказилишини эълон қилади.

ЛОТ №1. Мингбулоқ тумани, Момохон қишлоғи, «Янгибод» кўчасида қисман бажарилган 0,5 км газ тармоғи таъминоти. Қурилиш тугаллаш муддати — 14 кун.

ЛОТ №2. Чуст тумани, Чуст шаҳри, Богшиамол даҳаси янги маҳалласида қисман бажарилган 1,0 км газ тармоғи таъминоти. Қурилиш тугаллаш муддати — 22 кун.

ЛОТ №3. Янгиқўрғон тумани, Д.Саттаров номи. Жамоа ҳўжалиги, «Иттифок-Ҳақиқат» маҳаллаларига келтирувчи қисман бажарилган 1,0 км газ тармоғи. Қурилиш тугаллаш муддати — 22 кун.

ЛОТ №4. Уйчи тумани, Қизил-Ровот қишлоғи, «Баҳор» кўчасида қисман бажарилган 0,2 км газ тармоғи таъминоти. Қурилиш тугаллаш муддати — 7 кун.

ЛОТ №5. Турақўрғон тумани, «Ибрат» ширкат ҳўжалиги, Гузал қишлоғига келтирувчи қисман бажарилган 0,2 км юқори босимли газ қувури тармоғи. Қурилиш тугаллаш муддати — 8 кун.

ЛОТ №6. Поптумани, «Водий» ширкат ҳўжалиги, Янгиер қишлоғи, «Шўро» маҳалласида қисман бажарилган 0,8 км газ тармоғи таъминоти. Қурилиш тугаллаш муддати — 15 кун.

ЛОТ №7. Норин тумани, Навбахор турар-жой масканида қисман бажарилган 2,0 км ичимлик суви билан таъминлаш тармоғи. Қурилиш тугаллаш муддати — 30 кун.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоти ҳўкмиллигининг кооператив ва якка тартибда турар-жойлар қурилишини мувофиқлаштириш бошқармаси. Телефонлар: 3-87-14, 3-25-09.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, таърибли ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳўжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Наманган вилоти филиалига қуйидаги манзилга: Наманган шаҳри, А.Навой кўчаси, 36-уйга (Матбуот уйи, 4-қават) иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (8-36922) 6-14-50, 6-47-91.

Бир тўлаш тендер ҳўжатларининг нархи — 20000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталарни) савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириг муддати — оферталар очилиш куну ва соати. Таклифлар очилиш эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, ўттиз кундан кейин соат 14.00да қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навой кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 3-қават, мажлислар зали).

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик жамоаси олий ўқув юрталари бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ҳамидилла Назаровга уқаси Нияматилла НАЗАРОВнинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хайъати ва касоба уюшмаси бирлашган қўмитаси УзР ФА Илмий ўқув-маркази директори, академик Назар Тураевга воллидан мухтарамаси ҚИММАТ аянинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетини ректорати ва касоба уюшмаси «Электрон техника материаллари физикаси ва технологияси» кафедраси лаборатория мудири Мурод Боймуродовга падарини бузрукворини БОЙМУРОД отанин вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади ва ҳамдаралик билдиради.

Бозор кўнликларини ривожлантириш маркази жамоаси Фахриддин НУРЕДИНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институтини жамоаси «Қурилиш механикаси ва иншоотлар элдилабарлошнинг» кафедрасининг мудири т.ф.д. Қ.Абдурашидовга опаси Ҳафизахон ая АГЗАМОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

«Тошмилтранс» автомобилда юк ва йўловчилар ташини ҳудудий уюшмаси жамоаси Келес автобус саройи бошқарув раиси Нияматилла НАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия билдиради.

«Тошкент гўшт-сут савдо» ОАЖ жамоаси ҳуусийлаштириш ва қимматли қозғалар бўйича етакчи мутахассис Акбар НОСИРОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га 9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона

ТАШКИЛОТ авто ва қишлоқ ҳўжалик шиналарининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланади

- Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган.
- Ҳар хил русумли шиналар.
- Энг арзон нархда Тошкентдаги омборхонадан.

Маҳсулот Тошкент шаҳрида. Ташкилотларни вилот дистрибьютерлигига таклиф қиламиз. Телефон: (998 712) 132-24-71. Факс: 132-22-72, 79-28-75, 79-28-77. E-mail: urald@rol.ru

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

«MEDIZ» ЎЗБЕКИСТОН-БРИТАНИЯ-GERMANYA-РОССИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

- «MEDIZ» ҚҚ — Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиё мамлакатларида йилига 100 миллион донна бир маротабалик шприцлар ҳамда йилига 10 миллион донна инфузион ва трансфузион системаларни ишлаб чиқарувчи ягона корхона.
- «MEDIZ» ҚҚ — Германия, Швейцария, АҚШ ва Испаниянинг энг яхши ишлаб чиқариш ускуналарига эга.
- «MEDIZ» ҚҚ — бир маротабалик шприцларни йилига 30 миллион доннагача ишлаб чиқаришга етказиш лойиҳасини амалга оширишга киришди.
- «MEDIZ» ҚҚ — маҳаллий ва хорижий инвесторларни (жисмоний ва юридик шахсларни) корхонани техник қайта қуруллаш дастурида қатнашишга таклиф этади.

Мулоқот учун шахс: Салихов Б.Г. Тошкентдаги телефонлар: 161-21-11, 161-21-03, факс: 161-21-10.